

**ПИНК ЛЕДИ НАВИ ИНТЕРКАЛЯР КЎЧАТЛАРИНИНГ
БАЛАНДЛИГИГА ОРАЛИҚ MIX ПАКАНА ПАЙВАНДТАГ
УЗУНЛИГИНИНГ ТАЪСИРИ**

Шерипбаев Неъматулла Сатимбаевич

*Академик. М.Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик
илмий тадқиқот институти тадқиқотчиси*

Аннотация: Мақолада вегетатив кўпайювчи пайвандтагларда турли пайвандлаш муддатида етиштирилган Пинк Леди навининг интеркаляр кўчатларини баландлигига ва танасининг диаметрига оралиқ MIX пакана пайвандтаг узунлигининг таъсири бўйича маълумотлар келтирилган.

Abstract: The article presents data on the effect of the length of the intermediate MIX weakly growing rootstock on the height and trunk diameter of intercalary seedlings of the Pink Lady cultivar grown at different grafting times on vegetatively propagating rootstocks.

Калим сўзлар: оралиқ, нав, кўчат, интеркаляр, пайвандтаг, пакана, муддат, диаметр, баландлик.

Keywords: interval, variety, seedling, intercalary, rootstock, pea, period, diameter, height.

Кириш. Маълумки Ўзбекистон Республикасида кишлок хўжалигини диверсификация қилиш, туманлар ҳудудларини тупроқ-иқлим шароитларига мос боғдорчилик, узумчилик ва бошқа озик-овқат маҳсулотларини етиштиришга ихтисослаштириш орқали ички ва ташқи бозор талабларига жавоб берадиган рақобатбардош маҳсулотлар етиштиришни кўпайтириш ҳамда илм-фан янгиликларини кенг жорий этиш мақсадида кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Материаллар ва услублар. Олиб борилган тадқиқотлар “Мевали ва резавор мевали ўсимликлар билан тажрибалар ўтказишда ҳисоблар ва фенологик

кузатувлар методикаси” (Х.Ч.Бўриев 2014) услубидан, олма пайвандтаглариининг бир йиллик новдаларини ўсиш динамикасини аниқлашда В.Л.Витковский (1979) методикаси асосида олиб борилди.

Тадқиқот натижалари. Вегетатив кўпаювчи ММ-106 пайвандтагларда 20-августда оралиқ МІХ пакана пайвандтагига 10 см баландликда пайванд қилиб етиштирилган Пинк леди навининг интеркаляр кўчатларни баландлиги 162,4 см.ни, кўчатнинг диаметри 20,7 мм.ни ташкил этди. Оралиқ МІХ пакана пайвандтакка 20 см баландлигига пайванд қилиб етиштирилган кўчатларнинг баландлиги 146,1 см бўлди. Етиштирилган кўчатларнинг диаметри ўртача 16,3 мм.ни ташкил этди. Оралиқ МІХ пакана пайвандтакка 30 см баландликда пайванд қилиб етиштирилган интеркаляр кўчатларнинг ўртача баландлиги 129,8 см.ни, кўчатларнинг диаметри 14,0 мм.ни ташкил этди.

ММ-111 пайвандтагига уланган оралиқ МІХ пакана пайвандтагига 10 см баландликда пайванд қилиб етиштирилган Пинк леди нави кўчатларини ўртача баландлиги 166,2 см бўлиб, кўчатларнинг диаметри 21,0 мм.ни ташкил этди. Оралиқ МІХ пакана пайвандтагнинг узунлиги кўчатнинг баландлигига катта таъсир кўрсатди. 30 см баландликда пайванд қилиб етиштирилган интеркаляр кўчатларнинг бўйи 130,9 см.ни ташкил этди. Кўчатларнинг диаметри 15,3 мм.ни ташкил қилди.

Пайвандлаш муддатлари вегетатив пайвандтагларда етиштирилган Пинк леди интеркаляр кўчатларнинг баландлигига таъсир кўрсатмади. ММ-106 пайвандтагига уланган оралиқ МІХ пакана пайвандтагига пайвандлаш муддати 30-августда 10 см баландликда пайванд қилиб етиштирилган кўчатларнинг баландлиги 163,3 см.ни, кўчатларнинг диаметри 20,6 мм.ни ташкил қилди. 30 см баландликда пайванд қилиб етиштирилган интеркаляр кўчатларнинг баландлиги 129,3 см.ни ташкил этди (1-жадвал).

10-сентябрда ММ-106 пайвандтагига уланган оралиқ МІХ пакана пайвандтагига 10 см баландликда пайванд қилиб етиштирилган интеркаляр кўчатларнинг баландлиги 163,4 см бўлиб, диаметри 20,7 мм.ни ташкил этди. Баландлиги 20 см.да пайванд қилиб етиштирилган интеркаляр кўчатларнинг

Ta'limning zamonaviy transformatsiyasi

баландлиги 144,4 см.ни ташкил қилиб, диаметри 18,5 мм.ни ташкил этди. 30 см баландликда пайванд қилиб етиштирилганда интеркаляр кўчатларнинг баландлиги 127,9 см.ни ташкил этди.

Вегетатив пайвандтагларда етиштирилган Пинк леди нави интеркаляр кўчатларининг баландлигига оралик MIX пакана пайвандтаг узунлигини таъсири, 2021-2023 й.й.

Пайвандтаг номи	Оралик MIX пакана пайвандтаг узунлиги, см	Кўчатларнинг баландлиги, см	Кўчатларнинг диаметри, мм
Пайвандлаш муддати 20-август			
MM-106	10 см	162,4	20,7
	20 см	146,1	16,3
	30 см	129,8	14,0
MM-111	10 см	166,2	21,0
	20 см	161,7	20,1
	30 см	130,9	15,3
Пайвандлаш муддати 30-август			
MM-106	10 см	163,3	20,6
	20 см	147,6	18,2
	30 см	129,3	15,2
MM-111	10 см	167,9	20,8
	20 см	162,0	20,3
	30 см	131,2	16,7
Пайвандлаш муддати 10-сентябр			
MM-106	10 см	163,4	20,7
	20 см	144,4	18,5
	30 см	127,9	16,8
MM-111	10 см	168,1	21,3

	20 см	161,1	20,0
	30 см	129,7	17,8

Хулоса. Олиб борилган тадқиқот натижасида вегетатив пайвандтагларда етиштирилган Пинк Леди нави интеркаляр кўчатларининг баландлигига оралик МІХ пакана пайвандтаг узунлиги катта таъсир кўрсатди. Оралик МІХ пакана пайвандтаг узунлиги ортиб бориши кўчатларнинг баландлигига тескари пропорционал таъсир кўрсатди. Пайвандлаш муддати кўчатларнинг баландлигига таъсир кўрсатмади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1. Куликов И.М, Куликов И.М, Трунов Ю.В, Соловьев А.В. Основы инновационного развития питомниководства России // Монография. - М.: ФГБНУ ВСТИСП; Саратов: Амирит, 2018. – С. 188.
2. Вехов Ю.К. Клоновые подвой селекции МичГАУ в качестве промежуточных вставок для создания интенсивных садов яблони // Современное садоводство – 2011. № 3. – С.1-8.
3. Marcon J.L, Kretschmar A.A, Hipólito J.D, Rufato A.D, Rufato L, Wurz D.A. Increasing the length of EM-9 interstock enhances production efficiency in Imperial Gala apples // Revista Ceres. – 2019. – Vol. 66. P. 178-183.